ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ДАВРИДА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА ТЕХНИКА ВОСИТАЛАРИ ТАЪМИНОТИ

Ш.А.Зокиров, Ш.Т.Аҳмедова

В статье рассматривается один из основных направлений развития фермерских хозяйств в Узбекистане - обеспечение материально-технической базы, в особенности, обеспечения техническими средствами.

Article is considred of the main areas for development of farms in Uzbekistan — for the logistical base, in particular, providing thechnical means.

Мамлакатимизда фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири уларнинг моддий-техника таъминотини, айниқса, техника воситалари билан таъминланишини такомиллаштириш ҳисобланади. Мамлакатимизда ҳали қишлоқ хўжалик техникасини ишлаб чиқариш даражасининг пастлиги, мавжуд хорижий техника воситларининг қимматлиги, лизинг муносабатларининг етарлича ёйилмаганлиги сабабли ишлаб чиқариш воситалари бозори етарли даражада ривожланмаган. Ҳар йили фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш учун катта миқдорда моддий ресурс ва маблағлар ажратилмоқда. Фақат ўтган 2008 йилнинг ўзида қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг энг муҳим турларини етиштириш учун 1 триллион сўм, жумладан, пахта тайёрлашга – 800 миллиард сўм, ғалла етиштиришга 200 миллиард сўм маблағ аванс тариқасида берилди. 2009 йилда ушбу мақсадларга 1 триллион 200 миллиард сўм йўналтирилади. Қишлоқ хўжалик техникасини лизинг асосида сотиб олиш бўйича махсус ташкил этилган Фонд ҳисобидан ушбу мақсадлар учун ўтган йили 43 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилган бўлса, жорий йилда 58 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтириш режалаштирилмоқда [1;22].

Давлатимиз томонидан кўрсатилаётган ана шундай эътибор ва амалий ёрдам туфайли 2008 йилда фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари асосий турларини ишлаб чиқаришдаги улуши сезиларли даражада ошди. 2008 йили мамлакатимиз қишлоқ хўжалигидаги пахта (99,1%) ва ғалланинг (79,2%) асосий қисми фермер хўжаликлари томонидан етиштирилди [1;23]. Узум, мева ва резаворлар, полиз экинлари фермер ва деҳқон хўжаликлари томонидан деярли бир хил салмоқда етиштирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 6 октябрдаги Ф-3077-сон «Фермер хўжаликлари фаолиятини юритишда ер участкалари миқдорини мақбуллаштириш чораларини кўриш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш бўйича махсус комиссия ташкил этиш тўғрисида»ги фармойиши доирасида кўрилган ташкилий чоралар ва амалга оширилган тадбирлар натижасида 2008 йилнинг 1 октябрига қадар мамлакатимизда фаолият юритаётган 219976 та фермер хўжалиги ер участкалари мақбуллаштирилиб, уларнинг умумий сони 105033 тани ташкил қилди ва фермер хўжаликларига жами 5 млн 860,1 минг гектар ер майдони бириктириб берилди ёки бунда битта фермер хўжалигига ўрта ҳисобда илгариги 27,0 гектар ўрнига амалда 56,0 гектар ер майдони тўғри келмоқда. Шундан пахтачилик ва ғаллачилик йўналишига ихтисослашган фермер хўжаликлари сони 47,6 мингта бўлиб, уларга 4 млн. 390,1 минг гектар ёки битта фермер хўжалигига ўртача 92,0 гектар ер майдони узоқ муддатга ижарага берилди [2].

Мамлакатимизда ер майдонларини тўлиқ инвентаризациядан ўтказиш ва фермер хўжаликлари фаолиятини танқидий баҳолаш асосида уларнинг ер майдонларини оптималлаштириш бўйича кенг кўламли, шу билан бирга, пухта ўйланган ишлар амалга оширилди. Бунда фермер хўжаликларининг қайси соҳага ихтисослашгани ва мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги аҳоли зичлиги алоҳида эътиборга олинди. Ана шу ишлар натижасида фермер хўжаликлари учун ажратилган ер майдонлари бугунги кунда пахтачилик ва ғаллачиликда ўртача 37 гектардан 93,7 гектаргача кўпайди ёки 2,5 баробардан зиёд ошди. Бу кўрсаткич сабзавотчиликда – 10 гектардан 24,7 гектаргача ёки 2,5 баробар, чорвачиликда эса 154 гектардан 164,5 гектаргача кўпайди [1;23].

Техника билан таъминланганлик ишлов берилаётган ер майдони ҳажмига қандай таъсир кўрсатишини чет мамлакатлар мисолида кўриш мумкин. Масалан, АҚШда қишлоқ хўжалик техникаси билан етарли таъминланиш, унинг сифати ва унумдорлигининг ошиб бориши, ярим аср мобайнида бир ишчига тўғри келадиган капитал сарфи ҳажмининг 15 маротаба ўсиши натижасида битта фермер томонидан ишлов бериладиган ернинг миқдори 5 маротабагача кўпайган. Ҳозирги пайтда АҚШ фермаларидаги бир ишчи ўртача 100-150 гектар ерга ишлов бериш, 80-100 бош сигирни соғиш имконига эга. Меҳнат унумдорлигининг бундай юқори кўрсаткичларига фақат ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш, замонавий қишлоқ хўжалик техникасини қўллаш орқалигина эришиш мумкин.

Ишлаб чиқариш ва техника воситалари билан таъминланганлик даражаси тўғрисида сўз борганда, уларни фақат ўз мулки сифатида сотиб олиш йўналишинигина назарда тутмаслик даркор. Зеро, барча ишлаб чиқариш воситалари ҳам йил давомида доимий равишда фермернинг қўл остида бўлиши тақозо этилмай, уларни вақтинчалик фойдаланишга олиш ҳам мумкин.

Шунингдек, фермер хўжаликларига хизмат кўрсатиш даражасини ошириш зарур. Зеро, АҚШда 80-йилларнинг иккинчи ярмида қишлоқ хўжалигида 2 млн.га яқин ишчи банд бўлган бўлса, улар етиштирган маҳсулотларни сотиш, ташиш ва сақлаш учун эса 10,5 млн. киши банд бўлган ёки ҳар бир фермерга ўртача 5 киши хизмат кўрсатган.

Бугунги кунда мамлакатимиздаги аксарият хўжаликлар маҳсулотни етиштиришдан тортиб то унинг истеъмолчига етиб боргунга қадар мавжуд барча жараённи ўзлари амалга оширадилар. Бу борада махсус сервис хизматидан фойдаланмаслик аксарият ҳолларда бундай хизмат кўрсатувчи муассасаларнинг йўқлиги, хизмат кўрсатиш нарҳларининг юқорилиги, сервис хизматидан фойдаланишда ортиқча ҳаражатларнинг вужудга келиши сингари сабаблар билан изоҳланади.

Шунга кўра, фермер хўжаликларини қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлаш ва уларга турли йўналишдаги хизмат кўрсатишни етарли даражада йўлга қўйиш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

- мамлакатимизда кичик ҳажмдаги қишлоқ хўжалиги техника воситалари ҳамда зарур бутловчи ва эҳтиёт қисмларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш;
- мавжуд машина-трактор парклари фаолиятини такомиллаштириш;
- қишлоқ хўжалигидаги сервис хизматлари соҳасига инвестициялар киритилишини рағбатлантириш ва ҳ.к.

Ҳозирда мамлакатимизда фермер хўжаликларини техника воситалари билан таъминлашда ривожланган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада ишлаб чиқариш-техникавий хизмат кўрсатишнинг иккита асосий ташкилий йўналиши мавжуд:

1) фермер хўжаликларининг техника воситаларидан фойдаланиш бўйича кооперацияларини ташкил этиш;

2) мустақил ва ихтисослаштирилган хизмат кўрсатувчи субъектларни ташкил этиш.

Хорижий мамлакатларда техник хизмат кўрсатиш бўйича фермалараро кооперация шакллари турлича бўлиб, унинг иштирокчиларининг ўзаро муносабатлари тавсифига боғлиқ. Жумладан, Франция ва Польшада қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланиш бўйича кооперативлар кенг ривожланган. Германияда майда хўжаликлар учун бундай кооперация машиналардан фойдаланиш ҳамжамияти кўринишида ташкил этилади. Бу ҳамжамиятнинг ҳар бир аъзоси қандайдир техника воситасининг эгаси ҳисобланиб, у ҳамжамият умумий йиғилиши томонидан белгилаб берилган ҳақ эвазига бошқа хўжаликлардаги ишларни бажариб беради.

Шунингдек, мазкур тузилмаларнинг қуйидаги кўринишлари ҳам кенг тарқалган: бир неча фермерлар томонидан техника воситаларини ҳамкорликда сотиб олиш мақсадидаги бирлашмалар; бир неча фермерлар томонидан асбоб-ускуналарни ҳамкорликда сотиб олиш ва фойдаланиш бўйича келишув–ўзаро «қўшничилик» ёрдами; кўплаб сонли деҳқонларни ўз таркибига олувчи техникадан алмашиб фойдаланиш бўйича уюшмалар; техника билан таъминловчи йирик тадбиркорлик тузилмалари, машина станциялари; бирлашманинг бир аъзосида бўш турган техникадан бошқа бирининг фойдаланиши тамойилига асосланган хўжаликлараро асосдаги фермерлар бирлашмалари; техника воситалари прокати ва ҳ.к.

Фермер хўжаликларини техника воситалари билан таъминлашнинг мазкур шаклларининг ташкил топиш хусусиятларини чуқурроқ тадқиқ этиш ҳамда мамлакатимиз учун нисбатан кўпроқ мувофиқ тушувчи ва самарали йўналишларини аниқлаш мамлакатимизнинг озиқ-овқат маҳсулотларига талабини янада тўлароқ қондиришда, мамлакатимизда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози салбий оқибатларини батараф этишда муҳим омиллардан бири бўлиб қолади деб ҳисоблаймиз.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Жаҳон молиявий - иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009
2. Ўзбекистон Республикасини 2009 йилнинг биринчи чорагида ижтимоий- иқтисодий ривожлантириш якунлари тўғрисида / Халқ сўзи.- 2009.- 30 апрель

Андижон давлат университети,
2009 йил 12 июнда қабул қилинган.